



Сирожинъ


АРМОЯ



Сирожий

А Р М О Н

(Шеърлар, ғазаллар, мувашшаҳлар,
мухаммаслар, мусаддаслар)



Тошкент,
“Наврӯз” нашриёти – 2012

**Сирожий. АРМОН. Шеърлар, җазалилар,
муваппақлар, мухаммаслар, мусаддаслар. “Наврӯз”
нашриёти, Т.: - 84 бет.**

Ўзгача ва нашрга
тайёрловчилар:

филология фанлари доктори, профессори
Шухрат Сирожиддинов

Ориф Ҳожи – Ўзгача тарғу юлмаси
Самарқанд вилоят бўлими раҳбари

ISBN 978-9943-351-21-6

© Тошкент, “Наврӯз” нашриёти -2012

СИРОЖИЙ

(1932-1987й.й.)

Журналист, шоир ва адабиётшунос олим Самариддин Сирожиддинов (Сирожий) 1932 йилда Самарқанд вилоятининг Каттақўрғон тумани, Кичикқўрпа қишлоғида туғилди. Тулиқсиз ўрта мактабни битиргач, Каттақўрғон шаҳар Шота Руставели номидаги педагогика билим юртида таҳсил олди. 1953 йилда билим юртини тугаллаб, ўзи таҳсил олган 13-сон тулиқсиз ўрта мактабда ўзбек тили ва адабиётидан дарс бера бошлади. 1954-1961 йилда Самарқанд давлат университети ўзбек филологияси факультетида ўқиди.

Бадиий ижодга қизиқиш Самариддин Сирожиддиновни мактабдан газета редакцияси даргоҳига бошлаб келди. У 1962-1975 йиллар давомида Каттақўрғон туман “Зарафшон” газетаси на вилоят “Ленин йўли” (ҳозирги “Зарафшон”) газетасида адабий ходим, бўлим мудир ва масъул котиб вазифаларида ишлади. 1975 йил август ойидан вафотигача Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Самарқанд вилоят бўлимининг раҳбари сифатида фаолият кўрсатди.

Самариддин Сирожиддинов ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда илмий-тадқиқот ва бадиий ижод билан жиддий шуғулланди. Унинг дастлабки шеърлари билим юртида ўқиб юрган пайтлари ёзилди ва 1957 йилда матбуотда эълон қилинди. “Каттақўрғон ҳақиқати” газетасида босилган илк шеъри “Улуғ айём” деб аталган эди.

Самариддин Сирожиддинов бадиий ижодни адабий тадқиқот ишлари билан узвий боғлаб давом эттирди. У айниқса, Каттақўрғон атрофида яшаб ижод этган ўтмиш шоирлар меросини тўплаш ва ўрганиш билан жиддий шуғулланди. Ана шу изланишлар самараси сифатида Видоий, Шавқий, Мирий, Дилафкор, Аҳкар, Нурмон Абдивой ўли каби кўплаб ўтмиш шоирлари, Абдулҳамид Мажидий, Тошпўлат Саъдий, Мамарасул Бобоев каби бир қатор асрдош шоирлар ижодий йўли ҳақида маҳаллий ва

республика матбуотида, нуфузли журналларида кўплаб мақола ва илмий ахборотлар эълон қилди.

Нихоят ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда "Абдулҳамид Мажидийнинг ҳаёти ва ижоди" мавзуида диссертация ёқлаб, филология фанлари номзоди деган илмий даража эгаси бўлди. Газета-журналларда, илмий тўпламларда унинг 70 дан ортиқ илмий-адабий мақолалари, публицистиканинг турли жанрларига оид 300 дан зиёд мақолалари, "Олгинсой лочиши", "Камалак жилоси", "Чорва бекаси", "Аму жилолари", "Намоз", "Боботоғда янграган кўшиқ", "Мингчинор чироқлари", "Хумор" каби 30 га яқин йирик бадиий публицистик асарлари чоп этилди. У ўткир сатирик шоир, драматург ва театр танкилотчиси Абдулҳамид Мажидий меросини тўплаб, унинг "Тапшилган асарлар"ини нашр эттирди (Тошкент, 1974), "Яшил япроқ" шеърлар мажмуаси (Тошкент, 1984), "Нурли уфқлар" очерклар тўплами (Тошкент, 1983) ва "Абдулҳамид Мажидий" монографиясини нашр эттирди (Тошкент, 1982). Охириги йилларда драма жанрига қўл уриб, "Қутқарилган қўёш" ва "Абдулҳамид Мажидий" драммаларини ёзиб, саҳналантирди.

Ушбу тўпламда Сирожийнинг турли йилларда ёзган шеър ва газалларидан намуналар жамланди. Шоир ҳаётлигида чоп этилмай қолган арузда ёзилган салмоқли мерос бугунги кунда тартибга солиниб, нашрга тайёрланмоқда. Яқин кунларда унинг Абдулҳамид Мажидий ҳақидаги тадқиқотлари ҳам сараланиб, нашр этилиши кўзда тутилмоқда.

ШЕЪРЛАР



КЕЛИНЛИКНИНГ ОҚ РҶМОЛИ

Муъжиза дунёнинг ҳикмати беҳад,
 Ер эмиш етти қат, само етти қат.
 Ҳар қати бир олам, ҳар бир олами,
 Сиз ва биз билмаган сирдан иборат.

Келинг, ҳамма сирни бир четга қўйиб,
 Ўйлайлик йигитлик кўрку камолин.
 Тўйлар сабабчиси, уйлар чиройи,
 Бахтли келинликнинг оппоқ рўмолин.

Ахир оқ рўмоли ҳар келинчакнинг,
 Оддий матомикан бўялган окқа.
 Нечун уни кеча бошга илмади,
 Нечун уни эрта тикар сандиққа?

Олам сирларидай бунинг ҳам шаксиз,
 Бордир очилмаган сирлари қат-қат.
 Бу рўмол умрда бир бор ўралар,
 Шу бир бор ўрашнинг ўзи катта бахт.

Ҳа, бу оқ рўмолнинг ўтли риштаси,
 Ҳаё дастгоҳида атай йўғрилар.
 Муҳаббат аталган катта дарёнинг,
 Оппоқ ранги билан қўшиб тўқилар.

Шундандир муқаддас бу ҳарир рўмол,
 Ҳар кимга ҳам насиб бўлавермайди.
 Кимга насиб этмиш бу нузли иқбол,
 Унинг саодати завола кўрмайди.

Севгисиз умр эса умр эмас асло,
Шунчаки дунёга бир келиб кетиш.
Севгига бўйсунар замину само,
Ишқ бўлса мумкиндур Ойга ҳам етиш.

Шу туйғу забт этиб, ху шуиқор йигит,
Мушарраф бўлмишдур ойжамол ёрга.
Оқ ҳарир рўмоли бошида тугик,
Толе деб аталган бир вафодорга.

Бошида оқ ҳарир рўмоли билан,
Оламни ҳайратга солар келишчак.
Иффат маликасин олқишлар атай,
Етти қат замину етти қат фалак

Майли оқ рўмолинг, бахтли келинчак,
Эртага садиққа солиб қўй, майли.
Унинг қисмати шу: бир кун яшайди,
Сенинг узун умринг, бахтинг туфайли.

Бахтли бўл, бошингдан кетмасин қуёш,
Сенга насиб этсин дунё иқболи.
Сенга, укагинам , сенга келинчак,
Муборак никоҳнинг оппоқ рўмоли!

САЛОМ, МОВИЙ КЎЛ

Қирғоқда турибман ошиқдай якка,
 Тўлқинлар кўчади ташна юракка,
 Сенга интилардим, етдим тилакка,
 О мовий кўл,
 Мовий Иссиқ кўл!

Олатов акси бор тўлқинларингда,
 Қирғизнинг бахти бор ёлқинларингда,
 Манаснинг забти бор эпкинларингда,
 О мовий кўл,
 Мовий Иссиқ кўл!

Сен кўлми, денгизми, ҳаётми нима?
 Ё қирғиз бахтининг рамзи – Оқ кема?
 Ё қора ўтмишга боқий хотима?
 О мовий кўл,
 Мовий Иссиқ кўл!

Не бўлсанг бўлақол, менман мафтунинг.
 Ёдимдан чиқмагай кўшигинг сенинг,
 Сен билан қоладир юрагим менинг,
 О мовий кўл,
 Мовий Иссиқ кўл!

СОҒИНТИРДИНГ

Соғинтирдинг, сўраб келдим, азиз ёр,
Висолингдан насибсиз этма зинҳор.
Нетайким боғланиб қолмиш бу кўнглим,
Бу кўнглимни чаманзор эт, чаманзор.

Қилиб меҳнат камол топдинг Ватанда,
Изинг бор яшнаган ҳар бир чаманда.
Олов ишқинг уриб туғён бу таңда,
Харидоринг бўлиб келдим, харидор.

Умидим бор висолингга етарман,
Агар рад айласанг, қонлар ютарман.
Сенинг ишқинг билан танҳо ўтарман,
Вафодорим, вафодор бўл, вафодор.

Бағишлай сенга бу жону жаҳоним,
Қўлинг бер, эй Сирожий меҳрибоним,
Ўзинг бўл бир умр руҳи равоним,
Азиз ёрим, азиз ёрим, азиз ёр.

УМР ДАВОМИ

(Эргаш Жуманбулбул ўғли ҳайкали олдида)

Оқтов қучоғида сеҳрли оқшом,
 Ой сузар аламнок, юлдузлар бедор.
 Чирсиллаб ёнади ўртада гулхан,
 Дўмбира овози янграр улуғвор.

Оқтов қучоғида оқаради тонг,
 Чўққилар кифтига қўнади оқшом.
 Яшил адирларга ўрмалар оҳанг,
 Дўмбира қўшиғин тинглар тоғу тош.

Ёдгор бахшимикан – қўрғонликларнинг,
 Бешинчи бобоси, сўзда кўп чечан.
 Ё Лапас жировми ва ё Холмурод,
 Не-не айтишувда кўилари енган.

Балки Ёрлақабдур, балки Жонузоқ,
 Даврани гуллатар ё Тилла Кампир?
 Кекса Жуманбулбул куйларми, э воҳ,
 Балки ўрташмоқда занжирбанд тақдир.

Йўқ, бу гал юраги тошиб дарёдай,
 Эргаш Жуманбулбул ўғли куйларди,
 Гоҳ Аваз, Ойсулув, гоҳ Гўрўғлидан,
 Куй айтиб, юртдошлар кўнглин хушларди.

Бахши сўзларида йигирма оҳанг,
 Дўмбира авжида минг дарду алам.
 Оҳанглар қалбларни эритиб мумдай,
 Гоҳ кулиб, гоҳ йиғлаб тингларди олам.

Билмадим Кунтуғмиш дор остидами,
Кусадов алплари солдими қирғин?
Мард Равшан ё қалпоқ бозоридами,
Ё совуқ жангтоҳда увуллар бурғу?

Ҳамон янграб турар, дунбира тинмас,
Биз ҳам тинглагани келдик соғиниб.
Куйлаб бер, бобожон, куйлаб бер бирпас,
Қўлга ол дўмбиранг, куйла қувониб.

Туманли замонда орзиқиб кутган,
Бахт сенинг бошингда, қуёш бошингда.
Бугун авлодларнинг қумсаб келишган,
Қабул эт, оқиним, юз ўн ёшингда.

Не-не боболарга насиб этмаган,
Катта кошонани сенга атадик.
Ғурурлан, бобожон, нурли бахтингдан,
Бугун дўмбирага ҳайкал ўрнатдик.

Бу ҳайкал, кошона шунчаки эмас,
Бу сенга давримнинг чўнг эҳтироми!
Бу сенинг мангулик қўшиқларингдур,
Умринг давомидур, умринг давоми!

ШАЙДОЙИНГ ЭДИМ

Шайдойинг мен эдим ой жамолингга,
Ташна лаб яшадим мен висолингга.
На дардим англадинг, на муҳаббатим,
Мағрур бўлиб кўркинг ҳам камолингга.

Саломим йўлладим шўх саболардан,
Сени сўроқладим хуш раволардан.
Куйладим, сўйладим ишқ-вафолардан,
Зор бўлиб лабингдан томган болингга.

Кўп экан ошиғинг, билдим, жонгинам,
Дардингда ёнганлар биттаси мен ҳам.
Истардим бир нафас бўлолсам шабнам,
Яноғинг устида қаро холингга.

Афсус, умидларим елларга кетти,
Сени ҳам, мени ҳам севги тарк этди.
Ногаҳон деразам ўзга қиз чертди,
Шунда ҳам келмадим бир хаёлингга.

Эвоҳ, юрагимда қолди бир тугун,
Қайдасан, деб неча сўрабсан, нечун?
Жавоб беролмасдан доғдаман бугун,
Қалбимни ёндирган бу саволингга...

ҒАЗАЛДАР



АЛДАР МЕНИ

Неча кўрсатмай садоқат, дилбарим алдар мени,
Синдириб, бир сўз ила, болу парим – алдар мени.

Ваъда айлар гоҳ-гоҳ дарди дилим шарҳ этгали,
Бир келиб, очмас вале сардафтарим, алдар мени.

Билмадим, не муддао ёр кўнглига солмиш ғулув,
Кўзларимни тўрт қилиб, тожи сарим алдар мени.

Мен иложсиз тунда Ой, юлдуз-ла бўлдим дардманд,
Барчаси эрмак қилиб, этмай шарм, алдар мени.

Во ажаб, этди забун дунёмни бу маккоралик,
Неча мен сарф айламай сийму зарим, алдар мени.

Йўлларим тушди чигал, билмам менга қисматми шул,
Гоҳида ёр, гоҳ-гоҳо дўстларим алдар мени.

Майли энди, алданай мен, ўзгалар алданмасин,
Эй Сирожий, нечаким моҳпайкарим алдар мени.

БАҲОР ЭРМИШ

Менинг қалбимда ўт ёққан ким эрмиш, қайси ёр эрмиш?
Дедилар: гулгун очилган баҳор эрмиш, баҳор эрмиш.

Магар матлаб баҳор эрса, чиқиб олам сари юз бур,
Замин кўксида чўғ ўйнаб, адирлар лолазор эрмиш.

Чуғурлаб қушчалар сармаст, базмгоҳ этди боғларни,
Қувончларга бу кенг олам магарким энди тор эрмиш.

Чечаклар рақс этиб нозик, қилур хуррам саболарни,
Сафобахш хуш саболардан димоқлар мушкбор эрмиш.

Саодат куйларин дарё, булоқлар энгикиб куйлар,
Кўнгилни беғубор айлаб, қўшиқ ҳам беғубор эрмиш.

Бу завқу, бу тароватдан, ҳаловат инкишоф айлаб,
Менинг меҳнатсевар халқим, мислсиз бахтиёр эрмиш.

Илиб коржомасин кифтга тўкар тер ризқи рўз излаб,
Дилида муддао доим самарбахш киштикор эрмиш.

Муборақбод этиб меҳнат баҳорин дам-бадам, дўстлар,
Ёғар найсон суви кўқдан, бу ҳам бир ифтихор эрмиш.

Сирожий, яйра, хуррам бўл, баҳор қалбинга ўт солса,
Нечунким, ўтюрақларга жаҳон доим хумор эрмиш.

БИРОВНИ БАХТИЁР ЭТМАЙ

Бўлурму бахтиёр ҳар ким бировни бахтиёр этмай,
Ва ё ҳожатраво, мардоналикни ихтиёр этмай.

Тикан захмини чекмасдан чирой касб этмагай гул ҳам
Муродинг бўлмагай ҳосил саховат ошкор этмай.

Киши киприк ила қозмай илм наҳрини оламда,
Ичолмас шарбатин яйраб ва ё кўксин фигур этмай.

Кишиларга суянчиқ ҳам мадаккор бўл оғир дамда,
Вале мардсан яшарсан гар бировни соядор этмай.

Дедилар: кимда ғайрат бор, олур юлдузни қўл бирла,
Магар юлдуз қўнар қўлга булурму ифтихор этмай.

Сирожий, ифтихорим бор, қўлим осмонга ҳам етгай,
Яшарман, минг шукур, ўзни мунофиқларга хор этмай.

БЎЛМАГАЙ

Бўлмагай асло киши орзуси йўқ, армони йўқ,
Қайси боғни боғ атарлар жамбилу райҳони йўқ.

Менга армон бўлди умрим боғламоқ минг йил билан,
Чун ҳаёт ширинлигининг ҳадди йўқ, поёни йўқ.

Бўлмагай ширин ва лекин умр ҳам дилдорсиз,
Ўтди зулмат ичра ҳар ким ёри йўқ, жонони йўқ.

Бахтиёрман: соҳибиман ишқ аталган дунёнинг,
Мендан ўзга бу жаҳоннинг хони йўқ, ҳоқони йўқ.

Ишқ маним измимдадур, меҳру вафо ҳукмимдадур,
Менга тобе бўлмаган бахт боғи йўқ, бўстони йўқ.

Менга ёр, гулгун диёр, ҳам дўсти содиқ бўлса бас,
Бу Сирожийнинг бўлак орзуси йўқ, армони йўқ.

БУ КЕЧА

Хонадоним файзи ортти, келди меҳмон бу кеча,
Не ажабдур дилда шодлик урса тугён бу кеча.

Ўрталиқда кенг жаҳондай катта дастурхон ёзиқ,
Бор бисотин тухфа этмиш даври даврон бу кеча.

Айтилур ширин калом, шўх-шўх қўшиқ ҳам яхши шеър
Сухбати жононадан тош ҳам топар жон бу кеча.

Бас, саодатдур бутун бир-икки жом ичмоқ шароб,
Давраминда косагуллар бўлса чаққон бу кеча.

Ҳар қадақим икки дунё мулкига бўлмиш баҳо,
Йўқ ажаб, қалбим қўшиб, мен этсам эҳсон бу кеча.

Не учунким икки дунём шод этиб, обод этиб,
Ташриф этмиш лоларухсор ёри жонон бу кеча.

Эй Сирожий, кел қадаҳ сун, ёру дўстлар базмида,
Бундан ўзга бўлмагай бахт, бўлмас армон бу кеча?

ВАТАН

Она деб севдим, Ватан, қилдинг менга чин оналик,
Толеим нурга ўраб, касб айладинг парвоналик.

Мен кураш майдонига тушсам сени ёд айладим,
Чин зафар қучдим яна пайдо бўлиб мардоналик,

Ёнсам, ўртансам гоҳи яхши-ёмон озоридан,
Бўлди одат сенга ҳам куймоқ билан сўзоналик,

Парвариш эттинг, камол топдим гўзал бағринг аро,
Гоҳида ҳушёр, гоҳ зоҳир бўлиб мастоналик.

Сен буюксан ҳам суюксан, меҳрибонсан, мухтарам,
Бўлмагай даркор менга бундан бўлак шоҳоналик.

Эй Сирожий, яйра шод, мағрур жаҳонда бахтиёр,
Ҳур Ватан бирла мудом ҳамроҳ санга фарзоналик.

ДУНЁГА ҚЎШ

Дуняман, дунё бўлиб, дунё, мени дунёга қўш,
Жилға-жилға куйларимни мавжи зўр дарёга қўш.

Куйламоқ бўлдим жаҳонни, куйга тўлсин бу жаҳон,
Неки қалбим зоҳир этмиш сўзга қўш, маънога қўш.

Маънисиз дунё не ҳожат, бир келиб-кетмоқми бахт,
Саргаранг бўлмай, мени аҳли жаҳонорога қўш.

Зарра-зарра сингдириб бор дилга олам меҳрини,
Асра шумлардан ва лекин яхшию аълога қўш.

Бу жаҳон ҳоли эмасдур фитнадан ё рашқдан,
Берма боғлаб шум рақибга, дўстга қўш, донога қўш.

Не учунким, аҳли доно бирла дунё баркамол,
Баркамолликни насиб эт, истагим ижрога қўш.

Буркасин бахтим чаман, қилсин ёруғ офтоб йўлим,
Толеимни кўркам этгил, гулга қўш, раънога қўш.

Чунки ўйлар бу Сирожий доимо эл бахтини,
Гар тиларсан бахтиёрлик сен мени дунёга қўш.

ДЎСТ ТАНЛАР ЧОҒИДА

Бўлмаса булбуллари бўлғайму боғни боғ атаб,
Чўққисиз, қорсиз яна беоҳу тоғни тоғ атаб.

Алҳазарким, йўқ эмас, аҳли ғараз ҳам эл аро,
Худпарастлик кўчасини юргай у чорбоғ атаб.

Яхшилик йўлига гов ташлар маломат тошидан,
Эътибор топса биров қилгай ҳасад носоғ атаб.

Ҳолбуки ўз илдизи барги биландир ҳар дарахт,
Ҳоки роҳ этмоқ нечун илдиз атаб, япроқ атаб.

Ошкор этсанг сирин ҳар неча ҳақсен, ранжигай,
Қилсанг андиша агар юргай сени кўрқоқ атаб.

Эй Сирожий, бехато бўл дўст танлар чоғида,
Бўлма пушмон етса захми ул сени ўртоқ атаб.

ЗАР КИТОБ

Замон недур, макон недур, тополмам ҳеч жавобини,
Ўзича шарҳ этар ҳар ким ҳаётнинг зар китобини.

Тинимсиз мен варақлайман, етолмай интиҳосига,
Чекиб ҳайрат, кўриб гоҳ шод, гоҳи қаҳри итобини.

Қаерда гул унар бўлса, ҳузурида тикан кўрдим,
Тикан тотгай, чаманларда чечакнинг илк гулобини.

Муҳаббат кимда-ким пайдо, қолур дарду алам ичра,
Тўсар кимдур булут янглиғ вафонинг офтобини.

Ва ё дўст деб бировга жон фидо этсанг, баногаҳ ул-
Сени мавҳ айлагай, албат, шикастлаб дил рубобини.

Ва лекин бир масал бордур: машаққатсиз ҳунар бўлмас,
Будур омад киши енгса, машаққат изтиробини.

Ҳаётда ким осон йўлни тутар бўлса, адашган ул,
Билолмас ул бу дунёнинг увол бирла савобини.

Шукурким, англамоқ бўлди насиб менга бу давронни,
Зафар билдим ва бахт билдим ҳаётнинг ҳар хигобини.

Чаман оғушида ўсдим, элим бағрида хуррамман,
Замон шулдир, макон шулдир, ки қилдим сарҳисобини.

Қўшиқ бўлди менга ҳамроҳ ва меҳнат шарбатин ичдим,
Сирожий, истамам ўзга саодатнинг шаробини.

ИНСОН

Менман инсон, қилмасин баҳс содда дунё мен билан,
Менман уммон, тенг бўлолгай қайси дарё мен билан.

Бўлмасам мен, ким биларди ер нима, осмон надур,
Ўн саккиз минг турфа олам, бил, муҳайё мен билан.

Мен ярагдим ақлу идрок, топди дунё ўзлигин,
Ҳам тафаккур бўлди пайдо, сўз ва маъно мен билан.

Ой нима, офтоб надур, сайёралар қайдан эмиш,
Шарҳ этилди, ҳал этилди ҳар муаммо мен билан.

Ер маним измимдадур, осмонга мен қўйдим қадам,
Жаннат ичра кўрди ўзни чўлу саҳро мен билан.

Эй ҳаёт, мен – мен эмасман, мен ўзингман, ўзгинанг,
Бу жаҳоннинг соҳиби – Сен, битта туғро мен билан.

Эътиқод муҳрини босдим мен, Сирожий арзига,
Сенга бўлсин кенг бу олам, нурли дунё мен билан.

ИЧИНДА

Борлиқ ёнар ловуллаб, яшил баркут ичинда,
Гоҳ долғали гувуллар, гоҳо сукут ичинда.

Сукут менинг саботим дунёда тан олинган,
Долга-меҳнат сурони севибли юрт ичинда.

Юртимни яшнатай деб, гул фасли ташриф этмиш,
Кузда унинг чиройи, завқи вужуд ичинда.

Тоғларни денг, тоғларни, лола сочар этаклаб,
Чўғ уйнашар адирлар, қирлар ёкут ичинда.

Бўлғайму бундан ортиқ олам аро саховат,
Кўклам тароватидан ер қолди қут ичинда.

Хай-ҳай, на дилкаш айём боғлар опшоқ либосда,
Оқ шуълалар-ла олам гуёки сут ичинда.

Ҳар жабҳада жаранглар куклам садоси ҳар зум,
Меҳнат диёридир бу, доим суруд ичинда.

Ҳар хуш суруд, Сирожий қалбимда ёндирар ўт,
Бахтим эрур умрбод бўлсам шу ўт ичинда.

ИШҚ ФАЛСАФАСИ

Севги бир ташвиш эмиш, дард ичра тўлганмоқ эмиш,
Оҳ уриб, афғон чекиш, беҳуда ўртанмоқ эмиш...

Ишқни билмаслар учундур, бил бу ожиз фалсафа,
Кимки урмиш ўзни ўтга мақсади ёнмоқ эмиш

Кирдиму мен бу оловга, ёндим, аммо қонмадим,
Соч оқарди энди қисмат севгидан тонмоқ эмиш.

Эй азизлар, ишқ ўтидан бенасиб этманг мени,
Ишқдан айрилмоқ, билингким, тошга айланмоқ эмиш

Тош бўлиб тоғ бўлмоғингдан не эмиш дунёга наф,
Зарра чўғ бўлмоқ жаҳон қалбида уйғонмоқ эмиш.

Бўлмагай назму наво ҳам, кулмагай иқболу бахт,
Қисмати ишқсиз умрнинг шам каби сўнмоқ эмиш.

Бас, Сирожий тарк этарми севги шавқин умрлар,
Нечаким ишқ ўйнамоқ дор узра тебранмоқ эмиш

КЕЛДИЛАР ДЎСТЛАР СЎРОҚЛАБ

Келдилар дўстлар сўроқлаб, ёлғизим сен келмадинг,
Охулар дилкаш бўлиб, оху кўзим, сен келмадинг.

Сўзларинг-ку хаста этган, дилга ташлаб ишқ ўтин,
Энди кумсарман сўзинг, ширин сўзим, сен келмадинг.

Кўзларим кундуз йўлингда, тунлари кўк саҳнида,
Изларим юлдузгинанг, шўх юлдузим, сен келмадинг.

Дўст бўлиб соғлиқда, бемор чоғи тарк этмоқ, надур,
Ўртанурман дард ичинда бир ўзим, сен келмадинг.

Бахтиёр айлай сени деб не жафолар чекмадим,
Ўлмаган жоним учун берсин тўзим, сен келмадинг.

Бўлма ғарқоб ҳуснингу, рутбаю, мавқеъга сен,
Айтадурман боисин кўрган кезим, сен келмадинг.

Лек Сирожий, этмагай тарк, соғиниб ҳарчанд сени,
Заъфарон бўлди магар икки юзим, сен келмадинг.

КЕЛМАДИНГ

Тунда кутдим, кунда кутдим, келмадинг,
Ўзлигимни мен унутдим келмадинг.

Ул севинчлар қайда қолди, дилбарим,
Бол сўзинг деб захр ютдим, келмадинг.

Найлайн ишқингда чандон ўрганиб,
Номинга ашъор битдим, келмадинг.

Иғвогарлар ё йўлингни тўсдиму,
Шомда ўтдим, тонгга етдим, келмадинг.

Сен келарсан деб чиқиб қўл бўйига,
Дардларимни қўлга айтдим келмадинг.

Ахтариб ошиқ, Сирожийдек неча,
Изларингни кўзга суртдим келмадинг.

КЕЧИРГАЙСЕН

Кўнгил бермоқ гуноҳ эрса, гуноҳкоринг кечиргайсен,
Дилинг топган эса озор, дилозоринг кечиргайсен.

Ки ишқ бозорида ҳуснинг матои кўп талош эрмиш,
Харидор ўлмишам мен ҳам, харидоринг кечиргайсен.

Қилиб бир эркалик ишқим баён этдим мен ошкора,
Бу айби-чун жазоларга сазоворинг кечиргайсен.

Неча доно эмас инсон хатодан бўлмагай холи,
Хато билсанг бу ишқимни, хатокоринг кечиргайсен.

Юрак тугён уриб ногоҳ санга интилса мен найлай,
Гўзал ҳуснинг хумориман, хуморингни кечиргайсен.

Ўпиб ғунча лабинг ногоҳ ғубордан пок этар бўлдим,
Қувиб солдинг, этиб сангсор, бу сангсоринг кечиргайсен.

Неча йил шармисор бўлдим, яна келдим эгиб бошим,
Висол истаб Сирожийдек, умидворинг кечиргайсен.

КЎРДИМ ЮЗИНГНИ

Кўрдим юзингни, дилбар, тоғларнинг лоласида,
Тутди шароби хуснинг ёқут пиёласида.

Синқардимۇ ҳушимдан бўлдим жудо, париваш,
Кетдим қолиб то оқшом мехрингнинг жоласида.

Боқсам очиб кўзимни, бош узра ўлтирибсан,
Шафқат камони инграр қалбингнинг ноласида.

Чекма фиғон, ўзим бор, тортмоққа дарди ишқинг,
Бардошлиғимни кўргил жисмим зуволасида.

Минг йил бўлса чидарман ёндирсанг оташингда,
Қўйсанг осиб магар сен сочингнинг толасида.

Дунёмни бахш этурман, ҳукмингга топширурман,
Ҳам тахт қуриб берурман қалбим парголасида.

Сендек вафоли ёрни ким кўрди бу жаҳонда,
Гар бўлса сўзласинлар севги рисоласида.

Ёзмиш магар сифотинг нур бирла бу Сирожий,
Қолдинг, демак, умрбод мехрин шалоласида.

КИМДАН СЎРАЙ

Нечаларким, нома ёздим, келмади бир йўл хатинг,
Дилбарим, кимдан сўрай энди сенинг кайфиятинг.

Мен саболардан неча соғинчларим қилдим хабар,
Не хабар олдинг, санам, не кўрсатиб ўтдинг қадинг.

Бағри қаттиқлиқ сенга, ҳеч бир ярашмас, сарвиноз,
Истарамки ўзгаларни этмагай ром рағбатинг.

Не гул эркансан, дилим мафтун этиб, банд айладинг,
Ҳеч нигоҳимдан, нигор, кетмайди гулгун қоматинг.

Нома ёзгил, нома кўнгил гулшанидан гул эрур,
Не хуш эрди йўлласанг гар нома бирла суратинг.

Қумсарам, ой юзлигим, қошу-кўзинг, ғунча лабинг,
Термулиб бир дамгина бўлгим келур ҳамсуҳбатинг.

Баҳраманд этсанг Сирожийни висолинг бахтидан,
Кам бўлиб қолғайму ҳеч бу ҳимматингдан давлатинг.

МЕНИНГ БАХТИМ

Баҳор келди, чечак кулди, чечакларда менинг бахтим,
Йўлаклар гулга бурканди, йўлакларда менинг бахтим.

Севинчим долазор қирлар, юпанчим оху кўзлардур,
Бири раъно, бири барно-малакларда менинг бахтим.

Дилимда завқ-шавқ тошқин ҳаволарнинг сафосидап,
Жушар илҳом бу беором юракларда, менинг бахтим.

Шижоат тўлқини тутён урар, ҳеч тўхтамас дилда,
Тонлар ғайрат жасоратли билакларда, менинг бахтим.

Магар меҳнат билан пайваст эмас бўлса юрак дарди,
Қачон кулгай эди порлоқ тилакларда менинг бахтим.

Сирожий, ўт бўлиб ёндим, саодат ичра уйғондим,
Шукрим, ўтмади умрим ковакларда: менинг бахтим

МУҲАББАТ МОЖАРОСИДАН

Магар дилхастадирман, бул муҳаббат можаросидан,
Баногоҳ бўлмишам махрум нигоримнинг вафосидан.

Мени тарк этти-ю, кетди азиз ишқим увол айлаб,
На йўқлар, на хабар олгай менингдек мубталосидан.

Кўзимга бемаҳал тушди ғубор, сочимга оқлар ҳам,
Етиб шиддат нигоримнинг кўзи қоши қаросидан.

Сочидек йўл узун тушди, етолмай доғдаман, доғда,
Шу бўлғайму, ҳамият ҳур замон ҳури лиқосидан,

Неча васлин тилай, келмас, согинчу, дардларим билмас,
Назарга бизними илмас ва ё кибри ҳавосидан.

Ҳаволанмоқ нечун кўнгил десам, айтди: “Бу дунёда,
Кулиб эрмак қилувчи кўп бировнинг сал хатосидан.”

Хатосиз бўлмагай инсон неча доно, неча барно,
Мурувват қилса ошиққа, ўшалдир эл расосидан.

Дариғо, шул мурувватдин Сирожий қолди бебахра,
Ўтар бўлди наво айлаб гузалларнинг жафосидин.

НАЙЛАЙ

Дединг ёнма, мени ёндирса ул шўх кўзларинг, найлай?
Дилимда кўзгатиб оташ куёшли юзларинг, найлай?

Ижозатсиз нечун боғимга кирдинг деб ғазаб қилма,
Мени бу ерга келтирган шакардек сўзларинг, найлай?

Ажаб дунё экан, қолдим тунаб гулшанларинг ичра,
Бўлиб ҳамсуҳбатим гуллар ва шўх юлдузларинг, найлай?

Бу сенсан деб севиб гулни, гаҳи баргига қўйдим лаб,
На сен эркан, на ҳуснинг, на лаби қирмизларинг, найлай?

Висол истаб ҳамон, билсанг, кезарман боғ аро ёлғиз,
Муяссар бўлмади, ҳайҳот, ақалли изларинг найлай?

Ётолмай сенга бу ошиқ Сирожий бир ғазал битди,
Магар эслаб қуярсан деб, ўқугон кезларинг, найлай?

ОНАМГА

Гул тутай меҳрим қўшиб, ол онажоним, меҳрибон,
Бор масал, бебаҳра қолмас боғ яратган боғбон.

Сен яратдинг жисму жоним, кўзга нур бердинг ўзинг,
Йўқ ажабким, йўлларингда бўлса қурбон жисму жон.

Давру давронинг жаҳонга довруғ этмас, қилма айб,
Чунки тил берган ўзингсан ҳам яна нутқи равон.

Мамлакат кўрк олди сендан, файзиёб бўлди замон,
Қўлларинг етди қуёшга, мартабангдир осмон.

Сен буюксан, сен суюксан, соҳиби дунё ўзинг,
Изларинг ўпсин бу олам, изларинг ўпсин жаҳон.

Меҳрибоним, яйрагин ўғлинг Сирожий бирла, кел,
Яйрамоқни сенга тухфа айлади озод замон!

ОЧИЛИБСАН

Очилибсан, дилбарим, оламда йўқ тенгдошгинанг,
Бўлса бордир бўлмагай, асло сенинг подошгинанг.

Ҳар қарошинг жон олур, ҳар гал чиройинг ўлдирур,
Утга солгай ўйнашиб қўш кокилинг–бебошгинанг.

Икки бодомми қабоқлар, икки чўлпон кўзларинг,
Бий десам, дерлар қилич, йўқ-йўқ ҳилоддур қошгинанг.

Ой сени излаб чиқар тунлар олай деб хусну кўрк,
Йўллларинг кундуз куёш ювгай бўлиб фаррошгинанг.

Шўх қарашлар, қулгилар сеҳри бўлурму шунча ҳам,
Чўлгаб олди борлигим, бўлсам қани ёндошгинанг.

Илтифот қилсанг нетар, э воҳ, гўзаллар сарвари,
Таъзим айлар қошгинангда ошиғинг–наққошгинанг.

Илтимосим, ранжитиб, қилма Сирожийни унут,
Бўлмагай ундан бўлак мақбулгина сирдошгинанг.

ПАРИШОН БЎЛМАГИЛ, КЎНГЛИМ

Паришон бўлма, эй кўнглим, рақобатдан, адоватдан.
Ҳаёт холи эмас асло мурувватдан, заковатдан.

Нечукким, тун чекиб олам юзин гоҳо қаро айлар,
Вале тонг баҳраманд этгай тароватдан, нафосатдан.

Ва ё гарчанд булут рашқдан қуёшга пардалар тортар,
Замин бебаҳра қолгайму ҳароратдан, саховатдан?

Агарчи дардлисан, кўнгил, буюксан, бас, бу оламдан,
Ки дардсизни кесак дерлар, у маҳрум бахт, камолатдан.

Муҳаббатсиз ва ё дардсиз ўтар бўлса умр, хайфдур,
Бу умр чиқмас эса майли ҳақоратдан, маломатдан.

Яшашдан манфаат недур куйиб, куйдирмасанг айтгил,
Вале куймоқ эмас холи ҳаловатдан, фароғатдан.

Сирожий, ёндим, ўртандим, вале топдим саодат ҳам,
Неча холи эмас олам адоватдан, надоматдан.

РАҲМ ҚИЛ

Эй юрак, депсинма ортиқ, раҳм қил,
Жон ўзинга бўлди тортиқ, раҳм қил.

Ларза солма отлиқиб кўксимда сен,
Кувма таңдан жонни деб чиқ, раҳм қил.

Мен-ку бир ёр деб йиқилдим, хастаман,
Энди сен кўп урмағил дўқ, раҳм қил.

Учма ҳаргиз севгининг иғвосига,
Сўнг ўзинг ҳам бўлма санчиқ, раҳм қил.

Менга сендан ўзга ҳеч ким қолмади,
Таъзим айлаб айтсам очиқ, раҳм қил.

Ташвишимдан дўстларим ҳам қочдилар,
Эзма сен ҳам, бўлса тавфиқ, раҳм қил.

Бил, ўзингсан энди дўсту давлатим,
Йўқ сенингсиз менга борлиқ, раҳм қил.

Мен чидарман сен ҳам этсанг зулмким,
Бу Сирожий чунки ошиқ, раҳм қил.

СОҲИБЖАМОЛ САНАМГА

Сени гулдан яратмишми табиат,
Ва ё нурдан, дилоромим, ўзинг айт?

Десам, гул, юзларингда шўъла ўйнар.
Дилим равшан этиб, эй моҳ талъат.

Кўзинг оху, лабинг тоғ лоласиму,
Отиб ўқ, этдилар қалбим жароҳат.

Тилим лол иффатинг таъриф этолмам,
Қаердан сенда бу ҳусну малоҳат.

Ёмон кўздан, ҳасаддан сақласин, ҳей,
Агар бўлса менга келсин ҳар офат.

Фақат ишқимни хор этмай, азизим,
Сўроқлаб тур мени ҳар лаҳза, ҳар вақт.

Сирожийга қиё гар боқмасанг ҳам,
Нетай, бахтимга бас, бўлсанг саломат.

СЎРАНГ

Гулга ошиқ ким экан ул, бўстонимдан сўранг,
Бўстоним соҳиби ҳам боғбонимдан сўранг.

Боғбон гул деб чекар дарду аламлар субҳу шом,
Бу нечук дарду аламдур осмонимдан сўранг.

Осмон минг кўз ила тўймас боқиб гул ғунчага,
Ғунча дарди доғини чеккан фиғонимдан сўранг.

Неча афғон чекмайин еллар учирди-кетдилар,
Боисин жисмим аро ёнган бу жонимдан сўранг.

Мен йўқотдим жонгинамни гулшан ичра вой-вой,
Излаб ўлтирманг мени ўсган маконимдан сўранг.

Бу Сирожийга макон гулғунчанинг бағри эмиш,
Сиз таажжуб айламай суду зиёнимдан сўранг.

ТУМОВ

Ногаҳон бошга тушиб дунёни тор қилди тумов,
Менсимовдим, аста-аста танга кор қилди тумов.

Гоҳ румолча, гоҳ сочиқ ишга тушиб тинмас бугун,
Икки қўлни икки қўзга мардикор қилди тумов.

Акса урмоқдан димоқнинг пардасида минг наво,
Гоҳ, “чий-чий”, гоҳ “хир-хир”, шармисор қилди тумов.

Ёш оқар тинмай қўзимдан, вой, бурун холига вой,
Билмадим қандай балоларга дучор қилди тумов.

Юзларим лов-лов ёнарлар эски хумдон сингари,
Неча пинҳон бўлса дардим ошкор қилди тумов.

Ахли дўстга дардим айтай деб уринмай неча мен,
“Хап шу” дейман, “хап шу!” ларни бешумор қилди тумов.

Дору ич, топгунг шифо, деб гоҳ укол санчар врач,
Ғалвир айлаб бул бадашни беқарор қилди тумов.

Бош ғувулла, кўкрак оғриб, зирқирар бел бетиним,
Қақшамоқдан қўл-оёқни бе мадор қилди тумов.

Гоҳ ичиб шурвою, сут ўрнида сулфидомизон,
Юрган эрдим, ёт деди, юрмоққа зор қилди тумов.

Ич ёнар ўртар оғиз дарди тасодиф захридан,
Бир ҳасадгуй шевасини устувор қилди тумов.

Қанча дору, маставо, кўк чой ила солдим қирон,
Ўрта ичра ўз-ўзини шармисор қилди тумов.

Қочди уйдан бору ашқал-дашқалини елкалаб,
Энди келмасликка аҳди барқарор қилди тумов.

Эй Сирожий бўлса тамкин ҳар не дардинг олгуси,
Бу масалнинг барча сирийн ошкор қилди тумов.



ТАЪЗИМ

Сенга олам таъзим этсин, онажоним, онажон,
Сен туфайли бор бу олам, меҳрибоним, меҳрибон.

Бўлмасанг сен, ким биларди мен киму дунё нима,
Борки сен, олам яшар, яшнар жаҳон ичра жаҳон.

Тарк этиб инсонни ғам, қолди фақат орзули дард,
Шеър дарди, ишқ дарди, жонажоним, жонажон.

Бўлмасайди дарди меҳнат ҳам яратмоққа ҳавас,
Қайда шунча гуркирарди, ҳур замоним, ҳур замон.

Боқ, бугун яшнар ҳаёт, яшнар тилак, яшнар Ватан,
Гулга буркаб жабҳаларни бўстоним, бўстон.

Бу омон, жаннатмакон, бўлсин ҳаёт дориламон,
Сен-Ватансан, бир чамансан, боғбоним, боғбон.

Сен қовоқ солган маҳалда хумраяр дунё манга,
Сен табассум айласанг, қилгай табассум бу жаҳон.

Ким сенинг раъйингни рад этса, юзи бўлгай қаро,
Меҳри борга меҳрибонсан, меҳрибоним, меҳрибон.

Меҳр оғушида ўсди бу Сирожий, шукурким,
Бахтиёрман ўзгинанг бор, онажоним, меҳрибон.

ЧАМАН ҚИЛ

Санам, иффат гулистонин чаман қил,
Чаманзоринг билан кўнглим ватан қил.

Ватан ҳар муддаога пешравдур,
Мени пешравларинг-ла битта тан қил.

Севишганлар жудо бўлмас умрбод,
Умрбоқийлигимни энди фан қил.

Сезинг хуш хулқингга жоним тасаддуқ,
Узинг ҳам яйра, кел, ширин сухан қил.

Сухандошлик куёшдирким, нурафшон,
Ёрит кўнгли диёрин, шўху шан қил.

Диёру ёр! Менга ўзга на ҳожат,
Мени ҳожатраволикда чечан қил.

Чечанликда дедилар барча омад,
Менга омадни ёр эт-нўшханд қил.

Сирожий нушхандининг асири,
Асирингга сочинг бандин кишан қил

ШАҲЛО ДЕСАМ

Ранжима, дилбар, кўзи шаҳло десам,
Гул десам, гавҳар десам, якто десам.

Дилгинангга ё малоллик келмасин,
Ўзни Мажнун ҳам сени Лайло десам.

Ой экансан равшан этган тунни ҳам,
Воҳ, чаманда бир гули раъно десам.

Йўқ, қуёшдурсан чирой дунёсида,
Саҳз ўлмиш гар қамар сиймо десам.

Йўқса ёндиргайми васлинг оташи,
Лаҳза ҳамсуҳбат бўлай танҳо десам.

Олма асло кўнглингга, эй сарвиноз,
Куйдириб ёндирмоғинг бежо десам.

Майли ёндир, майли куйдир бир умр,
Кулма ёлғиз мен сенга пайдо десам.

Сендан узмас бу Сирожий ҳеч кўнги,
Ўзгаларни ҳар неча аъло десам.

ШУКРОНА

Шукурларким, бу кўнглимда бўлибдур ишқ ўти пайдо,
Магар ишқсиз тирик бўлмоқ, яшашдан не эмиш маъно.

Баҳор келгай, гул очилгай, отар тонг, ой чиқар оқшом,
Муҳаббатсиз киши топмас биридан қатра завқ асло.

Агарчи ишқ дардидан етар ранжу алам сенга,
Бу ҳам бир бахтдур, албатта, ки меҳнатсиз эмас дунё.

Недур лаззат, недур шафқат киши билмас эса завқин,
Ёруғ дунёга келмоқдан эмасму келмаган авло.

Шукур дунёга келмишман, бўлиб инсон, бўлиб ошиқ,
Билинг, султони оламмац, менингдур бу гузал маъво.

Сирожий, бор экан ишқинг, диёринг, дилрабо ёринг,
Бу оламда йўқ эркан, бил сенингдек бахтиёр танҳо!

ЯШИЛ ЯПРОҚ

Узилди бир яшил япроқ чинор бағри бўшаб қолди,
Келиб дайди шамола ногоҳ чаманлардан қувиб солди.

Учиб гоҳи ҳаволарга, гоҳи ерга тушиб япроқ,
Қочиб қони, тўзиб жони учишдан чарчади, толди.

На офтоб эркалар энди, на шабнам бўсалар олгай,
Ҳазин япроқ қолиб ерда, оёқ остида топталди.

Билинг, япроқ эмас япроқ, эди дўст ваъдалар қилган,
Вале бевурд чиқиб ул кас, ки япроқ бемаҳал сўлди.

Дариғо, битга япроқ ҳам неча завқ эрди булбулга,
Ки хуноба ютиб энди дили қонлар билан тўлди.

Фигон айлар узилган барг бутоғига боқиб ҳар кун,
На чора, сўнгги афғону пушаймон қайда суд қилди.

Сирожий, чекма сен ҳам дард, дарахт энди омон бўлсин,
Топилгай дўппи ҳар доим, қачонким бош омон бўлди.

ЎЗГА ЁР ИСТАРМИДИМ

Ёр мени тарк этди, ман тарки висол истармидим,
Ишқида ёнган юракни ҳеч увол истармидим.

Топғуси таскин хаёли бирла лаззат бу кўнгил,
Ҳажрида ёндирди деб тарки хаёл истармидим.

Гарчи ёр қадр этмади ишқида чеккан дардларим,
Бевафо деб ўзгаларга шарҳи ҳол истармидим.

Сухбатидан лаҳза-лаҳза дилгинам равшан эди,
Шуъла сочганда тўлини ой мен заволи истармидим.

Мен висол майхонасига кирганим илк дафъадур,
Соғари сипқармайин, синган сопол истармидим.

Мутрибо, не журъат ул, бас, кетма ўзликдан, дединг,
Сен каби мастонага қаддимни дол истармидим.

Айт ўзинг инсоф ила шайдо Сирожий кўнгли-чуқ,
Ёр туриб, мен ўзга бир соҳибжамол истармидим?!

ЎРГАНИБ ҚОЛМАНГ ДЕДИНГ

Ўрганиб қолманг дединг ёр, ўргатиб қўйдинг нетай?
Ҳисларимни йўлларингга сачратиб қўйдинг, нетай

Лола рухсоринг кўришга интилурман ҳар нафас,
Ғунчаларнинг қат-қатига беркитиб қўйдинг нетай?

Майли ғунча, майли гул барг, менга бир таскин эди,
Гулшан ичра ўзни ногоҳ кўрсатиб қўйдинг, нетай?

Мен муҳаббат учқунин ҳам сезмагандим умрлар,
Ишқ дарди ичра жисмим ўргатиб қўйдинг нетай?

Сўнган оташни яна воҳ, гурлатиб қўйдим нетай,
Оҳу янглиғ чап бериб, воҳ бўзлатиб қўйдинг нетай?

Эй ҳаёт , афсус демас, ёнса Сирожий бир умр,
Сен ўзинг ҳеч учрамасни учратиб қўйдинг нетай.

ЎРТАР МЕНИ

Гоҳида шеър ишқи, гоҳи ишқи ёр ўртар мени,
Тоқату тобим олиб, ҳам беқарор ўртар мени.

Мен нетай кўнгил иши бу, айб этиб ранжитмангиз,
Дам-бадам энтиктириб, умидвор ўртар мени.

Дарди ишқи ёр тунлар бермагай ором менга,
Дарди шеър ҳам субҳу шом беихтиёр ўртар мени.

Во ажаб, ёр васлига етмак неча мушкул экан,
Дилрабо шеър шавқи ҳам гоҳ интизор ўртар мени.

Иккиси икки тарафдан дил уйин фатҳ этди, оҳ.
Ўртада бечора дил ночору зор ўртар мени.

Айб қилманг назм аро машҳури олам бўлмасам,
Куйламоқ шавқи нетай мастонавор ўртар мени.

Эй Сирожий, шул экан менга қисматким нетай,
Гоҳида шеър ишқи, гоҳи ишқи ёр ўртар мени

ҚЎЛИНГНИ БЕРМАДИНГ

Мен сўраб қолдим қўлинг, сен бермадинг,
Кўзга мен суртсам дедим, эп кўрмадинг.

Ўртаниб оппоқ билаклар ишқида,
Неча ёнмай, ҳолгинамни сўрмадинг.

Бунча қаттиқдил экансан, сарвиноз,
Лаҳза кўнглим боғидан гул термадинг.

Сенга изҳор дарди дил айлай десам,
Ёнгинамда бир нафас ўлтирмадинг.

Ўзга ёр ўзга диёринг борми ё,
Бўлса, жоним, нега бир сездирмадинг.

Қўлларингдан бир қадаҳ май истадим,
Ичмадим, оҳ, сен тутиб ҳам турмадинг.

Эй Сирожий, сенга қисмат шул экан,
Ранжу меҳнат, қайси йўлга кирмадинг.

ҲАЁТ УММОНМИСАН, НЕСАН?

Ҳаёт, уммонмисан тубсиз ва ё шиддатли тўлқинсан?
Курашлар уфқида ногоҳ олов чақмоқми, ёлқинсан?

Бўлиб ўт йўлга чиқдим мен, умидим нурли соҳиллар,
Суриб тўлқинларни ортга отар, сен бунча тошқинсан?

Вале билмас экансан мен, жасоратда туғилганман,
Йўлимдан қайтмагум асло неча тошқину шошқинсан.

Ўжар гирдобларингдан мен ҳамиша ахтарурман бахт,
Ажаб йўқдур, ўзинг ҳам мен билан саршару жўшқинсан.

Неча, жўшма, қулоч очгум миниб тўлқинларинг ҳар дам,
Келур бир кун, ўзинг ҳам тан бериб бўлғуси мамнунсан.

Сирожий шул сабаб севди сени ортиқ ҳаётидан,
Яшарсан шеърда мангу бўлиб мавзу ва мазмунсан.

ҲАЙРОН ҚИЛАДУРЛАР

Э мунча гўзаллар мени ҳайрон қиладурлар,
Ақлимни олиб ноз ила, бағрим тиладурлар.

Минг ваъда бериб, сўнгра атайлаб бузадур оҳ,
Мен бунда туриб ўзгага ҳамроҳ бўладурлар.

Ҳижронда қолиб, чексам агар оху вовайло,
Раҳм ўрнига боз масхара айлаб куладурлар.

Билмамки қачон меҳри вафо тонги оқаргай,
Ҳам бу юрагим ғунчалари очиладурлар?

Очилса агар ғунча, бу олам яна яшнар,
Билмасму санамлар буни ёким биладурлар.

Ғам чекма Сирожий, бу замон орзу замони,
Кимники дилинг истаса, бир кун келадурлар.

ҲАМШИРАГА

Урма дилбар, қўлга ништар, гар сенга қондур керак,
Билма асло бу муаммо балки осондир керак.

Хаста бармоқ учларида қон на қилсин, жонгинам,
Зўрга лиқиллаб турар жон, ол агар жондур керак.

Қайта-қайта санчдинг, афсус чиқмади қон, мен нетай,
Балки киприк ўқларингдек тиғи паррондур керак.

Қўй, хижолат чекма, жоним, чунки ўтқир тиғ эмас,
Қўлларингга хўп ярашган лолахандондур керак.

Мен-ку нодон бир рақибнинг таънасидан хастаман,
Хастагоҳда сен нетарсан, сенга бўстондур керак.

Қўлда қайчи, даста-даста гул билан гулшан аро,
Лаҳза-лаҳза этмоғинг дўстларни меҳмондур керак.

Майли энди ўйга толма, ушбудур дунё иши:
Кимга қону, кимга жону, кимга жонондур керак.

Бас, Сирожий сенга истар чин камоли касбким,
Ништаринг ҳам бу ҳаётда, чунки ҳар ондур керак.

МУВАШШАҲЛАР

I

Маликам, не малақдурсан,
 қўролмай доғдаман-доғда,
 Сенинг-ла бир нафас суҳбат
 қуромай доғдаман-доғда.

Асал сўзинг, табассуминг дилим
 армонидур, билсанг,
 Томиб турган лабинг болин
 суролмай доғдаман-доғда.

Тиларман меҳр гулзоринг
 аро бир лаҳза сайр этсам,
 Таажжуб, йўл топиб бир зум
 киролмай доғдаман-доғда.

Лабо-лаб сипқариб ҳижрон
 шаробин гоҳо бехудман,
 Неча таскин берай дерман
 беролмай доғдаман-доғда.

Умр шундай экан, жонон,
 ўтар дарё каби, тинмас,
 Тутай дерман этогидан
 тутолмай доғдаман-доғда.

Бу не қисмат, сенга етдим
 деганда тарк этиб кетдинг,
 На Мотриддан, на Даҳбеддан
 тополмай доғдаман-доғда.

Азал котиби ё бахтим
 қаро ёзмишми, билмасман,
 Сени топганда ҳам бир сўз
 қотолмай доғдаман-доғда.

Хатарли йўл экан, қайдан
билибман ишқ суқмоғин,
Келиб дуч ҳажр тоғига
ўтолмай доғдаман-доғда.

Омон бўлгил, магар бахтинг
тополган эрсанг оламда,
Агарчи мен сенга энди
етолмай доғдаман-доғда.

Насиб этса етар, ҳар байт
бошида шуъла сочган тож,
Сирожийдек магар суҳбат
куролмай доғдаман-доғда.



II

Шукурким, сен каби ўғлим-
 ғурурим бор бу оламда,
 Сурурим осмон бўлғай
 сени ҳар эслаган дамда.

Улуғлар давраси сенга
 асрлар мунгазир эрди,
 Кириб келдинг, алар завқин
 қўрарман ёнғучи шамда.

Ҳавас айлар эдинг Саъдий ва
 Ҳофизлар тариқатин,
 Сиғин, хокини сурт кўзга,
 алар қўймас сени ғамда.

Рақиблар бўлса бўлсин кўп,
 вале ёлғиз эмас сен ҳам,
 Кўриб жаҳду сабот сенда
 ёвузлар қолди мотамда.

Азиз фарзанд, ўзинг хушёр
 тутиб алпона меҳнат қил,
 Этиб мен ифтихор, кўкрак
 керай ҳар тўю байрамда.

Тут, эй, ўзни Сирожий хуш,
 зафар қучгусидир ўғлинг,
 Ва қолмас юк бўлиб бурчим
 менинг ҳам чўғли елкамда.

МУХАММАСЛАР



ИМО АЙЛАБ

Севар ёрим, мени банд айладинг ногоҳ имо айлаб,
 Не-чун шод айламас-сан ваъданга бир бор вафо айлаб,
 Яна тарк айладинг кетдинг, мени хушдин жудо айлаб,
 Ҳаловатсиз кезарман боғларингда минг наво айлаб,
 Нетай, бир келмадинг ҳолим сўраб, меҳру вафо айлаб.

Менинг ақлим олиб қўйган шакардек сўзларингдирму?
 Кўнгилни ёндириб қўйган ва ё гул юзларингдирму?
 Қаро мужгонларингдирму, қоши қундузларингдирму?
 Гул очилган, чаман бўлган оловли изларингдирму?
 Қўзимга тортадурман дам-бадам мен тўтиё айлаб,

Нечаким интизор этма, манга руҳи равондурсан,
 Қўзим равшанлиги сенсан, бу жисмим ичра жондурсан,
 Замонлар қўрмаган бахтсан, манга жону жаҳондурсан,
 Умидим гулшани, бахтим, яна қўрки замондурсан,
 Саодатму эмас ўтсам санга жоним фидо айлаб?

Малаклар ичра танҳосан вафо расмини тутсанг-чи?
 Гаҳи офтоб, гаҳи ойдек бўлиб дунём ёритсанг-чи?
 Сенга боғланди кўнглим, бир нафас обод этсанг-чи,
 Сирожий илтижо айлар, келиб арзин эшитсанг-чи,
 Турубман бош эгиб, дилбар, санга таъзим бажо айлаб.

1) Бу мухаммас хонанда Фозилжон Очилов илтимосига кўра ёзилди. Савти Суворо оҳангида айтилади.

МЕН ЭДИМ

Юлдузлар ҳар оқшом сўрармиш сени,
Юлдуз эмас сўраб юрган мен эдим.
Интизоринг бўлиб ҳар тонг, ҳар куни,
Остонанда маъюс турган мен эдим.
Ширин-ширин ҳаёл сурган мен эдим.

Муҳаббат боғининг шайдолари кўп,
Кирмоқ ҳар кимга ҳам бўлмайди насиб,
Билсанг, умидингни ёниб, ўртаниб,
Боғинга илк қадам қўйган мен эдим.
Ишқингда беомон куйган мен эдим.

Гул бўлиб гуллар-ла суҳбат қурардинг,
Гоҳо шабнамларга юзинг ювардинг,
Кимнидир гуллардан сўраб юрардинг,
Гуллар эмас жавоб берган мен эдим,
Сенга атаб гуллар терган мен эдим.

Бўлмас экан ошиқ ишин ривожини,
Ёндим бўлмай сенга етмоқ иложи,
Умидин узмайин лекин Сирожий,
Ҳар кун остонанда турган мен эдим,
Ширин-ширин ҳаёл сурган мен эдим.

НАВРЎЗГА

Мархабо, наврўзи олам, бахтиёрлик кўклами,
 Шуълавор фасли баҳорнинг гулга бурканган дами.
 Булча серфайз, муътабарсан эрка кўнглим ҳамдами.
 Сен экансан, энди билсам, завқу шавқ жамулжами,
 Хуснингга юртимни бердим, эй лагофат олами!

Бахтмикан, омадмикан минг товланиб боқишларинг,
 Гоҳ майин шаббода, гоҳ дарё бўлиб оқишларинг,
 Куйларинг, туйғуларинг ҳам беғубор олқишларинг,
 Бўлса бўлсин қанча завқинг, бўлмасин нолишларинг,
 Яшна гулгун, гулларингга қунмасин ғам шабнами.

Мен яшаш ишқини туйдим майсалар кўзгусида,
 Тонгда кўз очган чечаклар, ғунчалар кулгусида,
 Ғарқ ўлиб жисми жаҳоним офтоб ёғдусида,
 Тингладим бахт қиссасини кумрилар "ку-ку" сида,
 Куй бўлиб қалбимга кир, эй жисму жоним маҳрами.

Йўлларингга бор бисотин тоғлар этмишлар нисор,
 Уйғониб сахрою чўл, яшнар адирларда баҳор,
 Юз ювиб найсон сувидан жилмаяр тонг беғубор,
 Беғуборлик сенда, Наврўз, барқарордир, барқарор,
 Яшна, кўркам бўл тагин ҳам, эй фасллар кўрками.

Боқ сенга пешкаш турар гулгун Самарқандим бугун,
 Ложувард кошоналар хуснингга хол бўлмоқ учун,
 Паҳлавонлар кўрсатай деб бор диловарлик кучин,
 Бағри кенг Афросиёб, Куҳақда сакратгай отин,
 Майса қирда авжга чиққай зўр тамошо замзами.

Ким узар чавгонда, билмам, ҳам ғазал баҳсида ким,
Гул диёр, кўркам баҳор, ишқу вафо васфида ким,
Чалса "Наврўзи ажам" ни ким тушар рақсида ким,
Ташна дилни ром этолгай ёр-ёр базмида ким,
Нозанин қизлармикан ё ким йигитлар ўктами?



САМАРҚАНД ШАРАФИ

Айтингиз, ким бор Самарқанд файзидан завқ олмаган ?
 Оғушида сайр этиб, кўнгли қувончга тўлмаган?
 Ер ўпиб қаршисида таъзиму таҳсин қилмаган?
 Бормикин Фирдавсмонанд бу диёрни билмаган?
 Бир кўришга ёки дунё четларидан келмаган?

Бир кўриб тарк этди Румни тождор Зулқарнайин,
 Ҳам араб фотеҳлари қўйди Мадина бормайин,
 Чингизу, Нодир Муҳаммад-бесубуту бегайин,
 Қўлга олмақ бўлди, аммо эл ўлимдан қўрқмайин,
 Жон бериб қилди ҳимо, ёв толеи ҳеч қулмаган.

Чунки бунда ҳар йигит мардликда бир Афросиёб,
 Рустаму Барзу каби зўр паҳлавонлар беҳисоб.
 Ким қилич бирла келар, топгай қиличидан жавоб,
 Дўст учун сочдик бошидан дури гавҳар-комёб,
 Шул сабаб кўҳна шаҳар ҳеч шонидан айрилмаган.

Ким ўқиш истар Улуғбек “Зижи”ни келсин бугун,
 Рудакий , Жомий, Навоий таълимин олсин бугун.
 Дилда ҳикмат, ҳандаса, мантиқни жо қилсин бугун,
 Не яратмиш бу Самарқанд англасин, билсин бугун,
 Ҳар саволга бор жавоб бунда жаҳон айтолмаган.

Бир жаҳон ҳикмат ётар Афросиёб дунёсида,
 Сув эмас, ёғду оқар жўшқин Сиёб дарёсида,
 Ўзга лаззат, ўзга файз бор нони Осиёсида,
 Боғида, гулзорларда, ҳар неъмату ашёсида,
 Шул сабаб ҳеч кимса йўқ кўрмоққа бир интилмаган.

Не ажаб аҳли жаҳон шаҳримга жон бахш айласа,
 Муҳр уриб дорилбақо умрига шон бахш айласа,
 Шаънига ҳар шоири минг дoston бахш айласа,
 Бу Сирожий меҳри-ла бир бўстон бахш айласа,
 Чунки бу гулдан, диёрдан бир умр айрилмаган.

ТАРОВАТ

Кел, эй Наврӯз, сени гулшанларимда айлайин меҳмон,
 Гоҳи қир, гоҳи яйлов, сув бўйида гоҳ эгиб жавлон,
 Ичиб мрамар ҳаволарни, чечаклардан тақиб маржон,
 Кулайлик, ўйнашайлик, қолмасин қўнгилда ҳеч армон,
 Топиб файзу тароват яшнасин гулгун диёр ҳар он.

Буюрсанг ўйнатиб от, сакратай тоғу адирларга,
 Ва ё жушқин Зарафшонни етаклай қақраган ерга,
 Миёнкол боғларидан солай нусха сою қирга,
 Ўраб элдошларим орзу-умид дунёсини нурга,
 Этайлик аҳли оламни умрбод шод ила хандон.

Ишончу интилиш инсон қўлин юлдузга етказгай,
 Эгиб ҳал нечаким бўлса муаммоларни битказгай,
 Курашда ким агар лоқайд, паришон бўлса, ютказгай,
 Топар бахту саодат меҳнатин ҳар кимки ўтказгай,-
 Буюклардан олиб таълим, агар бўлса фидои жон.

Мана сен кўрсатиб қудрат ғубор кетди табиатдан,
 Дарахт уйғонди, жонланди чечаклар энтикиб бахтдан,
 Либос кийди сўлим водий ажиб зангори барқутдан,
 Жўшиб сайрайди булбуллар эмиб завқ бу латофатдан,
 Ярашгай куйласа мадҳинг, рубобу, танбуру гармон.

Бериб файз оби найсонинг яна ўлкам мусаффордур,
 Қуёшингдан ичиб ёғду бутун олам мужаллодур,
 Қўнгилларда не орзу бор, не матлаб бор-муҳайёдур,
 Агар юртим жамолини кўриш сенга таманшодур,
 Чиқиб Афросиёб, Куҳак аро бўлгин азиз меҳмон.

Бинафша, майсазор оғушида ўйнар сарин еллар,
Севинчлардан чаман очгай чечакка маҳлиё диллар,
Жарангдор куй-қўшиқлардан бўлиб сархуш кўнгиллар,
Бу хислат, бу тароватни Сирожий завқ билан куйлар,
Ажаб йўқ таърифнинг бирла баёз тўлдирилса ё девон.



ҲАСАД

Кўргали йўқдур кўзим, юзларинг қурсин Ҳасад,
Эй одамлар, йўл беринглар қабрга кирсин Ҳасад.
Қапча покни этди нопок кўз билан кўрсин Ҳасад,
Барча манфур килмишидан бир ҳисоб берсин Ҳасад,
Ўз-ўзини тирнаб, энди умр ўтқарсин Ҳасад.

Англаңгиз ижод деган ул комёб Анқони сиз,
Зўрға-сўрға ушлагайсиз ул дури яктони сиз.
Қон сириклаб қалбингиздан авраб-авраб они сиз,
Кўлга олган чоғингизда бир гўзал дупёни сиз,
Маҳв этиб қандоқ бу гап завқингни сундирсин Ҳасад.

Куймангиз, йўл бермангиз, айлар жаҳонни тангу тор,
Яхши одам ҳам Ҳасаднинг қўлларида хору зор.
Ким йўлиқса бу касалга аввало ул шармисор,
Юрса ҳам одамсифат ич-бағриши ер беқарор,
Соҳиби ҳам билсин энди, ўзни билдирсин Ҳасад.

Ул Ҳасаддир яхшиларнинг бошларига тош отар,
Ул фалон деб, бул фалон деб турфа гаплар тарқатар,
Бўлди деб, ҳеч бўлмаган ишни эл ичра гап сотар,
Йўлларинг боғлаб маломат бирла бағринг хун этар,
Топгани иғво, фасод, чиркину киндир Ҳасад.

Ул хасаднинг юзларига тарсаки тортинг бугун,
Афти-ангорига балчиқ ҳам қаро суртинг бугун,
Ҳар на ашқал-ташқалини кифтига ортинг бугун,
Бўйнига арқон солиб, бир дор ясаб тортинг бугун,
Дунёга келмоқ надур, кетмоқ надур билсин Ҳасад.

Бор экан элда Ҳасадвой, яхши аҳволига вой,
Кашфиётчи, яхши ишчи, оқ кўнгил ҳолига вой,
Соя берган ҳар чинору, ҳар терак, толига вой,
Элга манзур ҳар йигит-қиз, муътабар чолига вой,
Сафга қўшманг дод солиб ҳар неча қичқирсин Ҳасад.

Эй Сирожий, қўй Ҳасадни, сен Ҳасадгўйдан гапир,
Тош отиб шаънингни синдирган бу бадхуйдан гапир.
Яхшига йўл бермаган ул кўчаю кўйдан гапир,
Макру ҳийла, ҳам Ҳасад ин қурган ул уйдан гапир.
Айла барбод барчасини бахтидан кўрсин Ҳасад.



КЕЛМАДИ

(Навоий ғазалига мухаммас)

Неча кутдим гулшан ичра ул ситамжў келмади,
Охулар ҳамдам бўлиб, ул кўзи оху келмади,
Ишқ султониға айтдим: мен келиб, у келмади,
Кеча келгумдур дебон ул сарви гуларў келмади.
Кўзларимга кеча тонг отгунча уйқу келмади.

Ул деди: ноз аҳдининг дунёча истигноси бор,
Бўлса бардошинг, ажаб йўқ бир кун этса бахтиёр,
Мен дедим: йиллар кутиб бўлдим хумор узра хумор,
Лаҳза-лаҳза чиқдим чекдим йўлида ингизор,
Келди жон оғзимғаю ул шўхи бадхў келмади.

Боғ кезармиш гоҳ-гоҳ этмоқ учун кўнглини шод,
Тонгда мен ҳам боққа чиқдим, оразин кўрмоқ мурод,
Кулмади толе, демиш ул: кундузи чиқмоқ уёт,
Оразидек ойдин эрқонда гар этти эҳтиёт,
Рузғоримдек ҳам ўлғонда қоронғу келмади.

Неча бўлсин фурқатида чекканим озор-озор,
Этмадим тарки умид, кутдим ани мастонавор,
Гоҳ ёниб бағрим аламдан, беқарору беқарор,
Ул париваш ҳажридин ким йиғладим девонавор,
Кимса бормуким, анга кўрганда кулгу келмади.

Кўй ани деб, раҳм этиб, бехуд уринтурманг мени,
Ўлдириб рашк ўтидан, гоҳи тирилтирманг мени,
Ғарқи кўз ёш, телба деб иқрорга келтурманг мени,
Кўзларингдан неча сув келгай, деб ўлтурманг мени,
Ким бори қон эрди келган, бу кеча су келмади.

Яхшиям, ҳажр оташи беҳуш қилди дам-бадам,
Гоҳ-гоҳ тарк айлади ўтлуғ юзум оби алам,
Билмадим, ушбумидур султони ишқ этган карам,
Толиби содиқ топилмас, йўқса ким қўйди қадам,
Йўлғаким, аввал қадам маъшуқа ўтру келмади.

Хушхабар келди: нигор келмоққа бермишдир бўйин,
Бас, Сирожий, яйра энди бас қилиб ҳижрон куйин,
Тарк этиб, сен ҳам висол гулзорини бундан кейин,
Эй Навоий, бода бирла хуррам эт кунга ўйин,
Не учунким, бода келган уйга қайғу келмади



ТУФРОҚ ИЛАН

(Фузулий ғазалига мухаммас)

Ҳар тараф сўрсанг бани қайди алин сиртмоқ илан,
 Бўлмагай гулшан аро булбул ҳариф ҳар зог илан,
 Бормишам қисмат насиб этган ажиб қирғоқ илан,
 Кўҳкан кунд айламиш бинг тешайи бир тоғ илан,
 Баи қўпориб солмишам бинг тоғи бир тирноқ илан.

Нечаким қудратлиям, ишқ ичра ёндим субҳу шаб,
 Алларим титрар, яна барг узра шабнамдур асаб,
 Етмамишму бул банго, ёр устига айлар ғазаб,
 Ғам йўлида бан қолуб кетди-са Мажнун, йўқ ажаб,
 Хастая душвордур ҳамроҳлик этмоқ соғ илан.

Алҳазарким, этмасин тақдир помол ҳеч кими,
 Дарди дил изҳорина боқмаз бу дунё мардуми,
 Кечди айём, билмади ҳеч кимса чеккан дардими,
 Ғам уғурлар ишқ бозорида нақди умрими,
 Қилмоқ ўлмаз суд савдода ёмон ўртоқ илан.

Бас, бисотим ёр, санго бахш этмишамдур бир йўла,
 Косаи қисмат банго хоҳи ярим, хоҳи тўла,
 Чеккан умримдин муҳаббат ғарқи бўлмиш ҳосила,
 Гарди роҳинг вермаса кўз ёшина таскин нула?
 Дутмак ўлмаз буйла селобинг йўлин туфроқ илан.

Эй нигор, ишқингда жон ҳалқумга етмишдур тамом,
 Бу Сирожий ҳаққига айлаб дуо, тутсанг-чи жом,
 Умрлар ёнди кўнгул, бир лаҳза гўстар эҳтиром,
 Ғавзаи кўйинга бўлмишдур Фузулий бир мақом,
 Ким анга жаннат қуши етмаз бинг ил учмоқ илан.

УСТИНА

(Огаҳий ғазалига мухаммас)

Кўрдим чаманда субҳидам булбулни фарёд устина,
 Афгон чекарди дам-бадам ул дод солиб дод устина.
 Кўрмишки бир моху малак тахт ўйнатиб бод устина,
 Мушкин қошининг ҳайъати ул чашми жаллод усгина,
 Қатлим учун наслин келтирур нун элтибон сод устина.

Ким бўлмаган мастонаси ҳусн олами маккорасин,
 Ҳам севдириб, ҳам куйдириб, ҳам қилмаган дард чорасин,
 Мен ҳам асири бўлмишам бир маҳлиқо наззорасин,
 Қилгил тамошо қомати зебоси бирла оразин,
 Гар кўрмадинг гул бутганин пайванд шамшод устина.

Қилгай ҳужум ишқ лашкари ҳар дам менга тортиб алам,
 Гоҳо қиличи қошларин ўйноқлатиб зебо санам.
 Бу бир ҳазил, менга нигор лутфу карам айлар десам,
 Нозу адо-ю ғамзаси қасдим қилурлар дам-бадам,
 Воҳ, мунча офатми булур бир одамизод устина.

Солди бошимга дунёда ҳар неча бор озорким,
 От уйнатиб кўксимда ул, теппамда боғлаб дорким.
 Қилманг умид, эй дўстларим, қасд айламиш дилдорким,
 Мен хастага жон асрамоқ эмди эрур душворким,
 Қотил кўзи бедод этар ҳар лаҳза бедод устина.

Бўлди рақиблар таънидин озурда дил шому саҳар,
 Ҳар неча ким, мен бўлмадим тақдирга қул шому саҳар,
 Ошиқлигин айлаб писанд, бўлмай хижил шому саҳар,
 Ул гул юзи шавқи билан шайдо кўнгул шому саҳар,
 Булбулдек айлар юз наво минг навъи фарёд устина.

Мен чекмаган дарду алам, майли жаҳонда қолмагай,
Мақсадга етмиш ким, ахир, гар ўтга ўзни солмагай,
Нодон эмиш ҳар кимки ул, дардим ҳисобин билмагай,
Бошимга ёққан ғам тошин мингдан бирича бўлмагай,
Гардун агар минг Бисутун ёғдирса Фарҳод устина.

Менман самандардек ёниб сакратгучи ишқ раҳшини,
Англа раҳмсиз раҳш изи ошиқ юракнинг нақшини.
Дерман: десанг одил бўлай, қилгил саховат машқини,
Эй шоҳ, карам айлар чоғи тенг тут ёмону яштини,
Ким меҳр нурын тенг тўшар вайрону обод устина.

Ҳусну амалнинг гулшани турмас ҳамиша ям-яшил,
Ҳеч бўлмагил мағрурсен, ишқ аҳлига ҳеч урма тил.
Қолгай жаҳонда яхшилик, сидқу садоқат, яхши бил,
Хокий танинг барбод ўлур охир жаҳонда неча йил,
Сайр эт Сулаймондек агар тахтинг қуриб бод устина.

Келгил, Сирожий, куйла шод таъзим этиб тақдиргаким,
Аждодларингнинг истагин буркаб мунаввар нургаким,
Ташриф этиб ул Хоразм азми ила бу ергаким,
Не журъат ила Оғаҳий очгай оғиз сўз дергаким,
Юз хайли ғам қилмиш ҳужум ул зору ношод устина.



НА БЎЛГАЙ

(Ҳамид Олимжон ғазалига мухаммас)

Маломат қилмагин, дилбар, мени ошифта ҳол бўлсам,
 Не бахт ишқинг билан олам аро соҳиб камол бўлсам,
 Шаҳодат берсангу васлинг кўрарда бемалол бўлсам,
 На бўлгай бир нафас мен ҳам яноғинг узра хол бўлсам,
 Лабинг япроғидан томганки, гўё қатра бол бўлсам.

Сенга парвоналар бўлди неча Фарҳоду Мажнунлар,
 Қаро сочинг, қаро зулфинг, қаро қошингга мафтунлар,
 Не тонг, кўрку қадинга мос топиб ташбеҳу мазмунлар,
 Бутоғингга қўниб булбул каби хониш этиб тунлар,
 Ўпиб ғунчангни очмоқликка тонг чоғи шамол бўлсам.

Очилган ғунчанинг бахти эмиш кўклам билан боғлиқ,
 Бўлиб кўклам чамаңда сен билан мен этсам ўртоқлик,
 Саодат жомини тутса менга ҳар лаҳза бу борлиқ,
 Бўйингни тарқатиб оламни этсам масту мустағриқ,
 Ўзимнинг санъатимга сўнг ўзим ҳайратда лол бўлсам.

Ики кўнгил қовушмоғи саодатсиз эмас ҳаргиз,
 Дегайлар бизни билганлар: бири Ойдур, бири Юлдуз,
 Қадаҳ сун, дилбарим, бу бахт-саодат шаънига бул кез,
 Сенинг бирла қолиб бу масту лол оламда мен ёлғиз,
 Ўзимни ҳам тополмай, майлига, охир хаёл бўлсам.

Не бахтдур бир тилак бирла ики қалб ошно бўлса,
 Бири боғу, бири боғбон ва битта муддао бўлса,
 Тиларман: гул бўлиб унсам гулистонингда жо бўлса,
 Агар боғингда гул бўлмоқ менинг-чун нораво бўлса,
 Ки минг бор розиман қасрингга ҳаттоки дувол бўлсам.

Масал бор эл аро: омад ёғилмас сента осмондан,
Керак гавҳарни топгайсан бўлиб ғаввос уммондан,
Сени топдим вафо отлиғ саодатли гулистондан,
Бошим ҳеч чиқмаса майли маломат бирла бухтондан,
Рақиблар рашкига қўкрак керай, майли камол бўлсам.

Малул ўлма, ҳавас қилса жаҳон кўркў камолингга,
Сирожий сўзидан етса шикаст нозик хаёлингга,
Деди устоз Ҳамид доим бўлиб шайдо жамолингга:
Кезиб саҳрою водийлар етишсам бир висолингга,
Фидо жонимни қилдим йўлингга, майли увол бўлсам



НЕГА

(Ҳамид Олимжон ғазалига мухаммас)

Бир тугун бор дуняда билмам ечилмайдур нега,
 Гар ечилмас эрса ёр, ундан кечилмайдур нега?
 Эл шароб тутди санга, ёрим, ичилмайдур нега?
 Гунча янглиғ бурканиб, кўнглинг очилмайдур нега?
 Очилур фасли келиб, бўйинг сочилмайдур нега,

Зар билан байтлар кўшиб тиккан кийиклар қайдадур?
 Кипригингдан кўкрагимга отган ўқлар қайдадур,
 Назм силкида тизилган ул ҳақиқлар қайдадур,
 Кулгилар, хандоналар, шўх-шўх кўшиқлар қайдадур,
 Муттасил булбулларингга кулгу келмайдур нега?

Мен садоқат бирла умрим ҳадя этдим хулқинга,
 Болдан оргик сўзларингга, тўти янглиғ нутқинга,
 Эркаландинг гоҳи гул деб, бир назар сол бахтинга,
 Лолалар, боғлар, чаманлар, асти етмасму сенга,
 Ул сенинг ой юзларинг шодликни билмайдир нега?

Бул ҳақиқатдур: куёш ботганда ой яшнаб чиқар,
 Яшнагин деб, мен жаҳондан бемаҳал қилдим сафар,
 Мен Ҳамидман, эй Сирожий дилбаримга бер хабар,
 Ўт каби ёнган у кўзлардан нечун ёшлар оқар,
 Ҳам кўнгиillar норизоликда чекинмайдур нега?

МУСАДДАСЛАР



САМАРҚАНД

Чаман кўпдур, чаман кўпдур жаҳонда,
 Самарқанддек чаман лекин қаёнда?
 Бу бир фарди замон эрмиш маконда,
 Макон ичра макон бўлмиш замонда.
 Десам гулшан, ажиб дунё Самарқанд,
 Ҳам ул дунё аро танҳо Самарқанд.

Шаҳарлар шоҳи бўлмиш минг ёшинда,
 Минорлар тож эмиш олтин бошинда.
 Фарангу Рум этиб таъзим қошинда,
 Ўпиб тарих ўқирмиш ҳар тошинда.
 Ажаб олий равоқ эрмиш Самарқанд,
 Жаҳон аро сабоқ эрмиш Самарқанд.

Куюшидан эрур олам нурафшон,
 Очар хуснин бериб сайқал Зарафшон.
 Деманг, бу шаҳр! Бу-жаннатдур, бу-бўстон,
 Чиройидан топар кўрк еру осмон.
 Сўниш билмас ажиб гулзор, Самарқанд,
 Умр бахш этгувчи такрор, Самарқанд,

Сўзим-сўздур, гувоҳимдур Улуғбек,
 Улуғбек бир-ла машҳур бўлди ўзбек.
 Навоий сўз аро айлаб улуғлик,
 Жаҳон ичра тополди ўзбек ўзлик.
 Менинг мавжудлигим-мавжуд Самарқанд,
 Жаҳон тож бўлса гар, ёқут-Самарқанд.

Яшарман шунда, ўзга бахт керакмас,
Муанбар жаннатингдур мента бир хас,
Сирожийни самарқандлик десанг бас,
Нурафшон гулшаним, юртим муқаддас.
Жаҳонда тенгсизим, танҳом, Самарқанд,
Алишмас дунёга дунём, Самарқанд.



КЛУБЛАР ҲАСРАТИ

Хўп ажиб савлатгинам мавжуд эди,
Чор тараф гулзор, ҳама хушнуд эди,
Саҳна кўркем, пардалар барқут эди,
Чолғу асбоб ранг-баранг ҳам бут эди,
Ном-нишон йўқ соз клубликдан сира,
Ўзгариб кетдим буқун мен тасқара.

Дер эдим хонандаларни булбулим,
Очилиб рақсу наволардан дилим,
Минг таассуф, қисқариб қолди тилим,
Қилса ким тўй олди-кетди стулим,
Орқасидан мудиру раққосалар,
Ҳофизу, созандалар – ҳамкосалар.

Саҳна бўм-бўш, зал ҳувиллаб қолди, вой,
На салобат қолди, афсус, на чирой,
От бошидек қулф урилди, ҳойнаҳой
Кўрсангиз, дерсиз мени эски сарой.
Неча йилки, куй-қўшиққа зорман,
Ётадурман бир ремонтсиз, хорман.

Энди кўрманг, худди чилтонхонаман,
Пол тешик, шифтим бузуқ-вайронаман.
Не қилишни билмайин ҳайронаман,
Кеча-кундуз шу аламда ёнаман.
Атрофим чулғаб қоғозу латгалар,
Ҳеч хабар олмас бу ҳолдан "катталар".

*Эркин Мусурмонов,
Салоҳиддин Ҳайитов,
филология фанлари номзодлари*

“Эй ҳаёт, афсус эмас, ёнса Сирожий бир умр...”

(Хотима ўрнида)

Кўҳна Самарқанд замини минг йиллардан буён улуғ инсонлар, адибу уламолар бешиги, маскани бўлиб келаётганлиги сир эмас. Бу муқаддас заминнинг фарзандлари барча замонларда жамият тараққиётига, илм-фан, маънавият-маърифат ривожига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшиб келганлар. Шундай инсонлардан бири, Самарқанд адабий муҳити вакили – қалами ўткир журналист, иқтидорли шоир ва адабиётшунос, жонкуяр маорифчи, ажойиб инсон Самариддин Сирожиддинов эди. У киши адабиётшунос сифатида Шавқий, Видой, Мирий, Дилафкор, Аҳкар, Нурмон Абдивой ўғли каби кўплаб Каттақўрғон ўтмиш адабий муҳити вакилларига оид илмий тадқиқотлар олиб бордики, бу изланишлар самараси монография ва қатор илмий мақолаларда ўз аксини топди. Мумтоз адабиёт ўз тадқиқотчисини нафақат ошуфта-ю шайдо айлади, балки ижодий фаолиятга ундади ҳам.

Сирожий таҳаллуси билан ижод қилган Самариддин Сирожиддинов ижодида шеърият алоҳида мақомга эга. Бу лирик асарлар ўзида шаклан мумтоз мезонул авзонни ва мазмунан улуғ салафлар анъаналарини акс эттириши билан, замонавий шеърияти эса давр руҳияти ва унинг субъектив талқинлари билан ажралиб, жилвакор, гўзал бир шеърий бўстон ҳосил қилди. Шоирнинг лирик шеъриятини кўздан кечирар эканмиз, унинг айниқса ҳазрат Навоий ашъоридан илҳомланиб ижод қилганлигини, улуғ шоирнинг бадиятидаги зоҳирий ва ботиний маъно жилоларини уста ижодкор сифатида ўз асарларида моҳирлик билан акс эттира олганлигини кўрамиз. Бунинг яққол мисоли “Келмади” радифли мухаммасдир.

Шеърдаги икки шоирнинг мисралари муқояса қилинса, улардаги мазмун моҳият бир бутунликни ташкил қилганлиги ва сатрлар мантиқий мутаносиблик билан бир – бирларини тўлдирганлигини кўришимиз мумкин. Айрим бандлар эса устоз шоирнинг мисраларига янгича бир оригинал мазмун ташувчи сатрлар пайванд қилинганлиги билан ажралиб туради. Жумладан мухаммаснинг биринчи бандида шундай ҳолатни кўришимиз мумкин:

*Неча кутдим гулшан ичра ул ситамжӯ келмади,
Оҳулар ҳамдам бўлиб, ул кӯзи оҳу келмади,
Ишқ султониға айтдим: мен келиб, у келмади,
Кеча келгумдур дебон ул сарву гулрӯ келмади.
Кӯзларимга кеча тонг отгунча уйқу келмади.*

Алишер Навоий байтида лирик қаҳрамоннинг маъшуқаси висолида оташин ўртанишлари ошиқнинг бир кечадаги ҳоли мисолида акс этмоқда. Сирожий бадий тасвири кенгайтириб, ошиқнинг дардли ҳолатини кучайтиришга, ҳижроннинг сурункали кўринишига, морал кўзли ёрнинг ситамкорлигига, мажнунона оҳулар билан дардкаш эканлигига эътиборни қаратиб бадий тасвир ва эстетик таъсир кучини оширишга эришган. Учинчи мисра банднинг кульминацияси бўлиб, унда лирик қаҳрамон янги бир образ – Ишқ султониға ночор аҳволи ҳақида шикоят қиляпти. Мумтоз адабиёт тушунчасида бу сиймо кўпинча Соқий тимсолида келтирилади ва унга бўлган мурожаатда ишқий кечинмалар ва хуморий кайфиятлар акс этади. Бироқ яхши маълумки, бу хил тушунчалар аслида кенгроқ мазмун касб этиб, уларнинг замирида тасаввуфий ғоялар ҳам ётади. Агар шу нуқтан назардан мисрага ёндашилса, унда бадий тасвир ўтмиш шеърини фалсафаси, мажоз ва ҳақиқат каби тушунчалар негизда намоён бўладики, бу ҳолат Самариддин Сирожиддиновнинг мумтоз бадииятнинг зукко билимдони бўлганлигини далиллайди. Мухаммаснинг қолган мисралари ҳам Алишер Навоий ғазали ғоясига тўлиқ мос келиб, улар устоз шоир сатрлари билан моҳиятан бир бутунликни ҳосил қилади.

Самариддин Сирожиддинов Оғаҳий, Фузулий, Ҳамид Олимжон каби шоирлар ижодларидан ҳам илҳомланиб, уларнинг ғазаларига мазмунан етук, моҳиятан мутаносиб мухаммаслар боғлаган. Шоирнинг мумтоз шеърининг уста билимдони бўлганлиги унинг бошқа ўтмиш лирик жанрларида ҳам самарали ижод қилганлиги кўрсатади. Айниқса “Бўлмагай”, “Бу кеча”, “Баҳор эрмиш”, “Келмадинг”, “Ичинда”, “Кечиргайсен”, “Имо айлаб”, “Ҳайрон қиладурлар” каби ғазаллари, мувашшахлари ўзларининг бадий етуклиги билан алоҳида ажралиб туради.

Юқорида келтирганимиздек, Самариддин Сирожиддинов лирик шеърини фалсафаси билимдони бўлиш билан бир қаторда ўзи ҳам олам ва одам моҳияти ҳақида фалсафий асарлар ижод қилган. Унинг айниқса ўн байтдан иборат “Зар китоб” деб номланувчи

асари бундай шеърлар ораси ўзгача мақомга эга. Шеърнинг мақтаси куйидагича:

*Замон недур, макон недур, тополмам ҳеч жавобини,
Ўзича шарҳ этар ҳар ким ҳаётнинг зар китобини.*

Ҳайёмона ва Бедилона оҳангда ёзилган, замон ва макон муаммоси кўтарилган бундай мисраларни мустабид тузум даврида ҳар қандай ижодкор юрак ютиб ёзолмаслиги аниқ эди. Тўғри, дастлаб шеър олам ва диалектик тараққиёт мавзусига, ҳаётнинг мураккаблигига, саволларнинг жавобсиз қолаётганлигига қаратилгандек тасаввур уйғотади. Бироқ диққат қилинса асарда давр моҳиятининг тушунарсиз, ижтимоий тузумнинг тайинсиз, унинг асосчилари ва ғоявий йўлбошчилари “Ўзича шарҳ этган” ҳаётнинг тартибсиз эканлигига урғу берилаётгандек тасаввур уйғотади, бундай нозик фикрларни ўз даврининг зукко ўқувчиси ҳам бемалол тушуниб олиши қийин эмас эди. Лирик қаҳрамоннинг “шаккоклиги” кейинги мисраларида янада “авж” олади:

*Тинимсиз мен варақлайман, етолмай интиҳосига,
Чекиб ҳайрат, кўриб гоҳ шод, гоҳи қаҳри итобини.*

Лирик қаҳрамон уни ўртаётган саволлар гирдобига ғарқ бўлган. Изланиш, изланиш, изланиш... Интиҳосиз ҳаракатлар, ҳайрат, шодлик ва қаҳрнинг омухтаси - тубсиз “натижалар”. Унаётган ҳар янгиликнинг, эзгуликнинг илк қадамдан разилликка учраши, маънавий қашшоқлик, борингки бузуқлик кейинги мисраларда акс этиб, буларнинг барчаси лирик қаҳрамоннинг кўз унгида намоён бўлаётгандек:

*Қаерга гул унар бўлса, хузурига тикан кўрдим,
Тикан тотгай чаманларда чечакнинг илк гулобини.*

Чечак ва тикан мажозий тимсоллардир. Шоир шу икки тимсол ва улар ўртасидаги муносабат орқали бутун тузумдаги адолатсизлик, эгриликни устамонлик билан тасвирлаганки, бу фикрларнинг фасон пардози кейинги байтда акс этади:

*Муҳаббат кимда-ким пайдо, қолур дарду-алам ичра,
Тўсар кимдур булут янглиг вафонинг офтобини.*

Самариддин Сирождидиновга улуғ инсонларга хос бўлган хусусият – ҳокисорлик, бағрикенглик билан бирга ишонувчанлик, меҳрибонлик хос эди. Қанчадан қанча дўсту – шогирлар, умуман нотаниш кимсалар у кишининг ҳимматидан, холис хизматларидан баҳраманд бўлганлар. Бироқ бундай кимсалар орасида нонкўрлик қилган, “тузлукка тупурган” номардлар ҳам бўлганки, улар домланинг руҳий қийналишига сабаб бўлган:

*Ва ё дўст деб бировга жон фидо этсанг, баногоҳ ул-
Сени мавҳ айлағай, албат, шикастлаб дил рубобини...*

Бироқ шоир инсонлар ўртасидаги бу иллат барча замонлар учун жирканч бир ҳолат сифатида яшаб келаётганлигини, яхшилик қилувчи бундай номардликка парво қилмай, эзгу ишларини давом эттираверишини таъкидлайди ва ўз умрининг сўнгги кунларигача шу эътиқодга амал қилиб яшади.

Домла Самарқанднинг ошуфтаси, маҳлиёси эди, жонажон шаҳрига атаб бир қанча бир – биридан ажойиб шеърлар битди.

Навоий сўз аро айлаб улуглик,

Жаҳон ичра тополди ўзбек ўзлик.

Менинг мавжудлигим-мавжуд Самарқанд,

Жаҳон тоғ бўлса гар, ёқут-Самарқанд.

Деган шоир бу кўҳна тупроқнинг улуг ва шонли тарихини, Қайсару, Чингизу, Нодир Муҳаммад каби босқинчиларга бўлган нафратини, уларнинг толеъи қулмаганлигини “Чунки бунда ҳар йигит мардликда бир Афросиёб” бўлиб юрт шаъни учун кураш олиб борганини, бу заминнинг Улуғбек, Жомий ва Навоий каби улугларга қадамжо бўлганлигини “Самарқанд” ва “Самарқанд шарафи” номли шеърларида зўр маҳорат билан тасвирлайди.

Шоирнинг биз билган – билмаган орзу ва армонлари бўлган. Балки бу қилинмай қолиб кетган қандайдир эзгу иш, холис ёрдам, ёр-биродарлари, шогирд - фарзандлари ва невараларининг янги-янги муваффақиятларини кўриш бахти. Балки эл - юртини жондан азиз кўрган бу инсон учун Ватанини, ўзбек халқини мустақил, хур ва эркин кўрмоқ саодати:

Бўлмағай асло киши орзуси йўқ, армони йўқ,

Қайси боғни боғ атарлар жамбилу райҳони йўқ.

Бугунги давр нуқтаи назаридан тўлиқ ишонч билан айтиш мумкинки, бу армонларнинг армонлиги қолмади. Сирожий “она” деб атаган Ватан - Мустақил Ўзбекистон бугун дунё ҳамжамятида ўзига хос ва муносиб ўрин эгалламоқда, у кишининг қилолмаган ёки кўролмаган орзуларини бугун турли соҳаларда, эл-юрт равнақи йўлида ҳормай – толмай хизмат қилиб юрган шогирдлари, фарзанду неваралари амалга оширишмоқда.

МУҲДАРИЖА

Сирожий 3

ШЕЪРЛАР

Келинликнинг оқ рўмоли 6

Салом, мовий кўл 8

Соғинтирдинг 9

Умр давоми (Эргаш Жуманбулбул ўғли ҳайкали
олдида) 10

Шайдойинг эдим 12

ҲАЗАЛЛАР

Алдар мени 14

Баҳор эрмиш 15

Бировни бахтиёр этмай 16

Бўлмагай 17

Бу кеча 18

Ватан 19

Дунёга қўш 20

Дўст танлар чоғида 21

Зар китоб 22

Инсон 23

Ичинда 24

Ипқ фалсафаси 25

Келдилар дўстлар сўроқлаб 26

Келмадинг 27

Кечиргайсен 28

Кўрдим юзингни 29

Кимдан сўрай 30

Менинг бахтим 31

Муҳаббат можаросидан 32

Найлай	33
Онамга	34
Очилибсан	35
Паришон бўлмагил, кўнглим	36
Раҳм қил	37
Соҳибжамол санамга	38
Сўранг	39
Тумов	40
Таъзим	42
Чаман қил	43
Шахло десам	44
Шукрона	45
Яшил япроқ	46
Ўзга ёр истармидим	47
Ўрганиб қолманг дединг	48
Ўртар мени	49
Кўлингни бермадинг	50
Ҳаёт уммонмисан, несан?	51
Ҳайрон қиладурлар	52
Ҳамширага	53
Мувашишаҳлар	54

МУХАММАСЛАР

Имо айлаб	58
Мен эдим	59
Наврўзга	60
Самарқанд шарафи	62
Тароват	63
Ҳасад	65
Келмади (Навоий ғазалига мухаммас)	67
Туфроқ илан (Фузулий ғазалига мухаммас)	69

Устина (Огаҳий ғазалига мухаммас)	70
На булгай (Ҳамид Олимжон ғазалига мухаммас)	72
Нега (Ҳамид Олимжон ғазалига мухаммас)	74

МУСАДДАСЛАР

Самарқанд.....	76
Клублар ҳасрати.....	78

<i>Эркин Мусурмонов, Салоҳиддин Ҳайитов. “Эй ҳаёт, афсус эмас, ёнса Сирожий бир умр...”</i> (Хотима ўрнида)	79
---	----

Сирожий
АРМОН

(Шеърлар, ғазаллар, мувашшаҳлар,
мухаммаслар, мусаддаслар)

Тех. муҳаррир - Қ. Бердиев
Саҳифаловчи - И. Билялов

2012 йил 17 декабрда оригинал макетдан
босишга рухсат этилди. Бичими 60x84_{1/6}
“Palatino Linotype” гарнитураси. Офсет қоғози
Офсет босма усулида босилди.
Адади 100 нусха. Буюртма № 65/17

ХС по ЭЗ и ИСАЛ и ПК матбаа бўлимида чоп этилди
Манзил: Самарканд шаҳри, Зиёлилар кўчаси 1-уй.



Сирожий (Самариддин Сирожиддинов) 1932 йилда Каттақўрғон туманида туғилган. Каттақўрғон туман газетасида Самарқанд вилоят "Ленин йўли" (ҳозирги "Зарафшон") газетасида адабий ходим, бўлим мудир ва масъул котиб вазифаларида ишлаган. 1975 йилдан то вафотигача (1987 й.) Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Самарқанд вилояти бўлими раҳбари сифатида фаолият кўрсатди. Сирожийнинг 400дан ортиқ турли жанрларда публицистик мақолалари, "Абдулхамид Мажидий" номли монографияси, "Нурли уфқлар" (1984) очерклар тўплами (Тошкент, 1983 й.), "Яшил япроқ" шеърлар тўплами (Тошкент, 1983 й.) каби китоблари чоп этилган. Ижодкор Сирожий илмий тадқиқотлар билан ҳам шуғулланиб филология фанлари номзоди илмий даражасини ҳам олган эди.

ISBN 978-9943-381-21-6



9 789943 381216